

Муфтий Нуриддин домла ҳазратлари халқаро конференцияда қатнашиш учун Қоҳира шаҳрига етиб бордилар



12:30 / 06.06.2022 1397

2022 йил, 6 июнь кuni эрта тонгда Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла ҳазратлари бошчиликларидаги делегация халқаро конференцияда қатнашиш учун Қоҳира шаҳрига етиб борди.

Қоҳира халқаро аэропортида муфтий ҳазратларини Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчиси Мансур Қиличев, Миср Араб Республикаси муфтийси вакиллари ва бошқа мутасаддилар кутиб олдилар.

Эртага, 7 июндан бошланиб, уч кун давом этадиган нуфузли тадбирда муслмон мамлакатларида долзарб бўлиб турган масалаларни таниқли уламолар, 20 дан зиёд давлатлар муфтийлари, дин ва давлат арбоблари муҳокама қиладилар.

Халқаро конференцияда муфтий ҳазратлари иштирок этиб, нутқ қиладилар ва бир қатор Ислом уламолари билан мулоқотлар ўтказишлари режалаштирилган.

Ўзбекистон муслмонлари идораси Матбуот хизмати